

# ШАРТНОМА 08/22

## Лойиха-смета ишларини бажариш бўйича

Тошкент шаҳри.

2022 йил “23” август

“Ўзсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан 01.07.2022-йилдаги № 27-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи Ф.Уралбаев бир томондан ва “КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС ҚУРИЛИШ” Х/К (кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг раҳбари Б.Юлдашев., иккинчи томондан, “Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш” объекти бўйича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 19.08.2019 й.даги 396-сон буйруғи иловасидаги низомларга мувофиқ лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, топография ишлари, геология ишлари, гидрогеология ишлари, техник кўрик (техобследование), экологик лойиха (проект ЗВОС), экоэкспертиза ижобий хулосасини олиш, давлат экспертиза органининг ижобий хулосаси олиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

### 1. Шартнома мавзуси

1. “Лойихачи” мазкур шартнома шартларига кўра “Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш” объекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини (кейинги ўринларда “ишлар” деб аталади) бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

### 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома бўйича “Лойихачи” томонидан танлов комиссиясининг 2022 йил 29 июлдаги 127004 -сон баённомаси қарорига мувофиқ бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар билан шу жумладан, ҚҚС билан **22 000 000**. (йигирма икки миллион)сўмни ташкил этади.

3. Ишларни қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзайтирилганда.

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва ўзгартирилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” билан “Лойихачи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3. Лойихачининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тулик ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан **тасдиқланган КМК талаблари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб** бажаради ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади; Мухандис билан бажариладиган иш босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида муҳандисга ахборот тақдим қилади.

7. Буюртмачининг рухсатсиз ишларни бажариш учун учинчи шахсга бермайди.

### 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

– мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича «Лойихачи»га бериш;

– ишлар бажарилиши устидан донмий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган «Лойихачи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Лойихачи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5. Ишларни бажариш муддатлари

### 9. Шартнома:

- миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

### 10. Ишларни бажариш муддати 20 кун.

## 6. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. “Буюртмачи” “Лойихачи”га шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фонзи яъни 6 600 000 (олти миллион олти юз минг) сўм** миқдоридан аванс маблағини ўтказиб беради. Қолган маблағлар бажарилган ишларга кўра ҳамда ажратиладиган маблағларнинг миқдоридан келиб чиқиб жорий молиялаштирилади.

12. “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвали (1, 2 - илова)лари асос ҳисобланади.

13. “Лойихачи” лойихани топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар лойиханинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи “Лойихачи”нинг зиммасида бўлади.

14. Шартномани амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

## 7. Ишларни бажариш

15. “Лойихачи” бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Муҳандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида “Буюртмачи”га ахборот такдим қилади. Муҳандис қурилишнинг бутун даври давомида муаллифлик назоратини амалга оширади.

## 8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 9. Кафолатлар

### 19. Лойихачи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

### 10. Шартномани бекор қилиш

20. “Буюртмачи” қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама, “Лойихачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Лойихачи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;



ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Лойихачи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, “Лойихачи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

21. “Лойихачи” томонидан шартнома шартларига кўра **тасдиқланган КМК коида ва қўлланмаларига риоя қилмасдан лойиха ишлари қилинганда.**

Бундан ташқари “Буюртмачи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

22. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

23. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

## 11. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

24. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Лойихачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фонзи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фонзидан** ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

26. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Лойихачи”га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фонзи** миқдорига жарима тўлайди.

27. “Лойихачи” смета-ҳужжатларини ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фонзи** миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги лозим. “Буюртмачи” томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Лойихачи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фонзи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги керак. Пеня тўлаш “Лойихачи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

28. Агар бажарилган ишлар иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, “Лойихачи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фонзи** миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

29. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган **зарарларни қоплайди.**

30. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 12. Низоларни ҳал этиш тартиби

31. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар узаро оғзаки ёки ёзма равишдаги

мулоқотлаор оркали ҳал эта олмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### 13. Алоҳида шартлар

32. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

33. “Лойихачи” лойихага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

34. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

35. “Буюртмачи” билан “Лойихачи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш оркали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

### 14. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### Буюртмачи

«Ўзсувтаъминот» АЖ «Сув таъминоти  
ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси» УК Тошкент шаҳар  
ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Ташкент ш. Ниёзбек йули – 1  
л/с: 3011 2186 0262 6670 6320 1110 003  
тел. 234-30-46; 234-05-08.  
ИНН. 305 973 162, ОКЭД 42210  
ОПЕРУ Казначейства МФ РУз  
каз/сч 23402000300100001010  
МБ ББ ХККМ г.Ташкент,  
МФО 00014  
ИНН каз под 201 122 919



Бошқарма  
бошлиғи  
М.Ў

Ф.Уралбаев

(имзо)

Юрист

#### Лойихачи

"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС  
ҚУРИЛИШ" Х/К

Қарши шаҳар А.Темур кўчаси 135-уй.  
Tel: +99890962-82-62  
р/с: 20208000904608856001.  
Банк: “Туронбанк” Қарши филиали,  
МФО: 00192 INN : 300 426 007  
ОКОНХ: 71110



Директор  
М.Ў ҚУРИЛИШ

Б.Юлдашев

(имзо)

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари**  
**қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК**  
**Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий**  
**бошқармаси бошлиғи**

  
\_\_\_\_\_ **Ф.Уралбаев**  
\_\_\_\_\_ **2022 йил**



**“Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш” (лот 127004) объектини лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиш учун комиссия йиғилиш**

**БАЁННОМАСИ 127004/1**

**«03» август 2022 й.**

**Тошкент шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси белгилаш бўйича танлов комиссиялари ишини ташкил этиш мақсадида, “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 10 мартдаги 8-и/ч сон буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

<b>Комиссия раиси:</b>	<b>Ф.Уралбаев</b>	- “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқарма бошлиғи;
<b>Комиссия аъзолари:</b>	<b>А.Махсудов</b>	- Бош муҳандис;
	<b>И.Мухитдинов</b>	- Бошлиқ ўринбосари;
	<b>Ш.Тўйчиев</b>	- Бўлим бошлиғи;
	<b>К.Каримов</b>	- Бўлим бошлиғи;
<b>Комиссия котиби:</b>	<b>Д.Исақулова</b>	- Бўлим бошлиғи;

Комиссия йиғилишида И.Мухитдинов иштирок этмади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Голиб ташкилот билан шартнома имзолаш.

**Кун тартиби масаласи юзасидан комиссия раиси Ф.Уралбаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш” объекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олувчи ташкилотни танлаб олиш учун савдолар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни талаблари асосида электрон тарзда (лот рақами 127004) ўтказилганлигини маълум қилди.**

Комиссия раиси Ф.Уралбаев комиссиясининг ишини очиқ деб эълон қилиш, ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия котиби қатнашчиларга лот рақами 127004 бўлган савдолар бўйича 29.07.2022 йилда комиссия банномаси шакллантирилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг



“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 62-моддаси 2-хатбошига мувофиқ ғолибни белгилаш тўғрисидаги баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги таъкидланди.


Комиссия аъзолари фикрлари тингланиб бир овоздан

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

“Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш” объектини лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиш учун 29.07.2022 йилдаги баённомага асосан “КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС ҚУРИЛИШ” Х/К ҳамда “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида шартнома имзолансин.

Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб топилди, комиссия аъзолари

А.Махсудов




Ш.Тўйчиев



К.Каримов



Котиб  
Д.Исақулова



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 127004 на приобретение Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш**

Способ проведения электронный

Дата 29.07.2022

Время рассмотрения 29.07.2022 13:03

Конкурсная комиссия ГУР Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации Министерство жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH	Зам.директора	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	ISAQULOVA DILNOZA BERDIKULOVNA	Начальник отдела	УП “Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по г.Ташкенту и Ташкентской области
<b>Член комиссии</b>	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Бошқарма бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH	Бош муҳандис	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.07.2022 года № лота 127004.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	Тошкент ш. Учтепа тумани, Журжоний МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини қуриш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	24 000 000.00

Стартовая сумма	24 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси	20	22000000	20	Экспертная		
ООО DIO ARX PROJECT	20	Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги	20	Экспертная		

Критерий №2 Охирги 1 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 1 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси	20	22000000	20	Экспертная		
ООО DIO ARX PROJECT	20	Охирги 1 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори	20	Экспертная		

Критерий №3 Олий маълумотли профил бўйича 3 йил иш стажига эга мутахассислар – 2 киши

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли профил бўйича 3 йил иш стажига эга мутахассислар – 2 киши

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси</b>	20	22000000	20	Экспертная		
<b>ООО DIO ARX PROJECT</b>	20	Олий маълумотли профил бўйича 3 йил иш стажига эга мутахассислар – 2 киши	20	Экспертная		

Критерий №4 Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси</b>	20	22000000	20	Экспертная		
<b>ООО DIO ARX PROJECT</b>	20	Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги	20	Экспертная		

Критерий №5 Гувоҳнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси</b>	10	22000000	10	Экспертная		
<b>ООО DIO ARX PROJECT</b>	10	Гувоҳнома мавжудлиги	10	Экспертная		

Критерий №6 Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС</b>	10	22000000	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>КУРИЛИШ" хусусий корхонаси</b>						
<b>ООО DIO ARX PROJECT</b>	10	Олий маълумотли курилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО DIO ARX PROJECT</b>	24 000 000.00	23 000 000.00 UZS	23 000 000.00	00.00	23 000 000.00	28.07.2022 13:28:54	95.65
<b>"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси</b>	24 000 000.00	22 000 000.00 UZS	22 000 000.00	00.00	22 000 000.00	26.07.2022 12:01:26	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО DIO ARX PROJECT</b>	Прошел	95.65	95.65
<b>"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси</b>	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 127004 от 29.07.2022 года на приобретение Тошкент шахри Учтепа тумани, Журжоний МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик сув тармоғини куриш определила победителем:

"КАШКАДАРЁ МАКС СЕРВИС КУРИЛИШ" хусусий корхонаси  
300426007

и резервный исполнитель: ООО DIO ARX PROJECT (306234234)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	URALBA YEV FARMONBEK TURABAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXSUDOV ANVAR SOYIBOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 6 » июнь

№ПК-271

### **Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Худудларда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун саноат майдонларини ташкил қилиш ва уларда тадбиркорларнинг тўлиқ ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, инвесторлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

2022 йилда махсус иқтисодий, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари **йиғма параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **махсус иқтисодий зоналарни** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **2-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **кичик саноат зоналарини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **3-иловага** мувофиқ;

2022 йилда **ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **4-иловага** мувофиқ;



2022 йилда **тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

**2022 йилда** ҳудудларда **363,29 га** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда **6-иловага мувофиқ 104 та** янги кичик саноат зоналарини ташкил қилиш;

**2023 йил ва келгуси йилларда қўшимча 100 та** кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва саноат йўналишида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. 2022 йилда **янги ташкил қилинадиган кичик саноат зоналарини** ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, янги ташкил қилинадиган кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури бўйича:

бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳамда ҳудудлардаги тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади;

бош режаларни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ташкилоти белгиланган тартибда аниқланади;

объектларни молиялаштириш кичик саноат зоналарининг бош режалари ишлаб чиқилгандан сўнг белгиланган тартибда таъминотчи ташкилотлар томонидан берилган техник шартлар асосида амалга оширилади.

#### 5. Белгилансинки:

манзилли дастурларга ажратилган маблағлар доирасида қўшимча лойиҳалар (объектлар)ни киритиш, шунингдек, мавжуд самарасиз лойиҳаларни чиқариб ташлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан амалга оширилиши мумкин;

манзилли дастурларга киритилган объектлар (лойиҳалар)ни қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги “Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

манзилли дастурларга киритилган объектларни қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

**6. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида:**

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги манзилли дастурларда кўзда тутилган ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни тендер (танлов) савдолари якунларига кўра тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан;

Молия вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда манзилли дастурларда кўзда тутилган электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бюджет ссудасини ажратиш орқали молиялаштиради.

Бунда, манзилли дастурларга киритилган объектлар (лойиҳалар)нинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун харажатларга зарур маблағлар манзилли дастурларда ушбу объект (лойиҳа) учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ажратилади.

**7. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Э.Т. Юлдашев) мазкур қарор доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.**

**8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.**

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари А.М. Бобоев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида **ҳар чорак якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

T/p	Худудлар ва объектлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Амалга ошириш муддати	Объектнинг умумий қиймати (млн. сўм)	2022 йил учун ажратиладиган маблағ (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаси
46	Фарғона шаҳар Саноатчилар кўчасидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	1,0	2021-2022 йил	320,00	320,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
47	Марғилон шаҳар Навруз МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	1,0	2021-2022 йил	260,00	260,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
48	Қувасой шаҳар Бунёдкор МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	4,0	2021-2022 йил	1 100,00	1 100,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
49	Қўқон шаҳар, Қўқон МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	7,0	2021-2022 йил	2 400,00	2 400,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
50	Бешариқ тумани Тараққиёт МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	1,0	2021-2022 йил	210,00	210,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
51	Учкўприк тумани, Юксалиш МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	2,0	2021-2022 йил	418,00	418,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
52	Фарғона тумани, Юқори Арча МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	4,0	2021-2022 йил	832,00	832,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
<b>ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ</b>					<b>1 920,00</b>	<b>1 920,00</b>	
<b>Электр энергияси тармоқларини қуриш</b>							
1	Урганч шаҳридаги ЁСТЗда электр энергияси тармоғини қуриш, трансформатор пунктини ўрнатиш*	км	1,0	2021-2022 йил	920,00	920,00	Худудий электр тармоқлари АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
<b>Табиий газ тармоқларини қуриш</b>							
2	Урганч шаҳридаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	1,0	2021-2022 йил	1 000,00	1 000,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
<b>ТОШКЕНТ ШАҲРИ</b>					<b>2 720,00</b>	<b>2 720,00</b>	
<b>Ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш</b>							
1	Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармоғини қуриш*	км	1,0	2021-2022 йил	800,00	800,00	Республика бюджети
		объект	1				



Т/р	Худудлар ва объектлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Амалга ошириш муддати	Объектнинг умумий қиймати (млн. сўм)	2022 йил учун ажратиладиган маблағ (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаси
<b>Электр энергияси тармоқларини қуриш</b>							
2	Учтепа тумани, Жўржоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда электр энергияси тармоғини қуриш, трансформатор ўрнатиш*	км	1,0	2021-2022 йил	920,00	920,00	Худудий электр тармоқлари АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				
<b>Табиий газ тармоқларини қуриш</b>							
3	Учтепа тумани, Жўржоний МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда табиий газ тармоғини қуриш*	км	1,0	2021-2022 йил	1 000,00	1 000,00	Худудгазтаъминот АЖга ажратиладиган бюджет ссудаси
		объект	1				

\*) 2021 йилдан 2022 йилга ўтадиган объектлар

"ТАСДИКЛАЙМАН"

"Ўзсудтаъминот" АЖ бошқарув раёси т.б.

С.Саифназаров

" " " 2022 й.



“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси буюртмачилигида Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Кичик саноат зонаси ва Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимлари билан таъминлашнинг 2022 йил учун (Ўзб. Рес. Президентининг 06.06.2022 йилдаги ПҚ-271-сон қарори)

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланган ва фойдаланишни бошлаган йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (иарнома жасоди) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга утувчи объектнинг қиймати (кайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига объектнинг молиялаштирилган қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга утувчи объектнинг қиймати (кайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга утувчи объектнинг молиялаштирилган қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар нагжасига бўйича баённома рақами ва санаси	Қурилиш нудрат ташкилот номи	
								шу жумладан					Муддат/ қувват	Асосий фонд суммаси						
								Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жинсов	Жами	жумладан, сяслаш харажатлари								
9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20									
	Тошкент шаҳри бўйича жами:		20,4 км, 6 объект					27 964,69				868,94								
	Кичик саноат зонаси		19,4 км, 5 объект					27 164,7				834,9								
1	Янгиҳаёт индустриал технопаркида сув иншоотини (сважина) ва ичимлик суви тармоғини қуриш*	2022 й	10,9 км, 5 объект					6 813,00				214,39								Танлов (тендер) савдолари оркали аниқланади
	шу жумладан ЛҚИ:											204,39								
2	Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш* (Д-1000-1200)	2022 й	8,5 км					20 351,69				620,55								Танлов (тендер) савдолари оркали аниқланади
	шу жумладан ЛҚИ:											610,55								
	Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси		1 км, 1 объект					800,00				34,00								
3	Учтепа тумани, Журжоний МФЙ ҳудудидаги ЕСТЗда ичимлик суви тармоғини қуриш*	2022 й	1,0 км, 1 объект					800,00				34,00								Танлов (тендер) савдолари оркали аниқланади
	шу жумладан ЛҚИ:											24,00								

\*] Объектнинг қуввати ва қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг аниқланади ва молиялаштириш очилади.

"Қиритилди"  
"Сув таъминоти ва оқова объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи  
И.Муҳитдинов  
" " " 2022 й.

"Келишилди"  
"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК директори  
Х.Якубов  
" " " 2022 йил " " "

"Келишилди"  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи  
" " " 2022 йил " " "

"Келишилди"  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиғи  
" " " 2022 йил " " "

Handwritten signatures and stamps at the bottom of the page.